

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94(575.1)
327(575.1:4)+339(575.1)

ИСМАТУЛЛАЕВ ФАРҲОДЖОН ОДИЛЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕВРОПА ИТТИФОҚИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ
(1991-2005 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ватан тарихи» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар	тарих фанлари доктори Нуриддинов Эркин Зухриддинович
Расмий оппонентлар:	тарих фанлари доктори, профессор Фармонов Раҳмон Фармонович
	тарих фанлари доктори, профессор Усмонов Қамариддин Усмонович
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг __ кунини соат ___ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01 - «Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2011 йил _____ ойининг ____ кунини тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби т.ф.н., доц.**

А. А. Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритиши ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихидаги муҳим воқеалик бўлди.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида турли йўналишларга эга бўлган ва ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш борасида мустақил ривожланиш йўлига ўтди. Ўзбекистон ҳукумати бевосита ўтиш даврида давлатнинг ички ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан бирга, ташқи сиёсат йўналишига ҳам катта эътибор қаратди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: “Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир”¹, – дея таъкидлаган эди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси учун қисқа даврда халқаро майдонга чиқиш, шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши муҳим вазифа этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президент И.А. Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегиясини аниқлаб, унинг тамойилларини ишлаб чиқди ва устувор йўналишларини белгилаб олди. Шу билан бирга мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг институтчионал тузилмаларини шакллантиришга ҳам катта эътибор берди.

Қисқа даврда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда муносиб ўринга эга бўлишини таъминлади. Бу эса халқаро муносабатларнинг янги тизимида иштирок этиш имкониятини берди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш белгиланган. Ушбу масалага алоҳида эътибор берган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: “Биз Европа қитъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз”², – деб таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида Европа Иттифоқи билан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 50.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 62-63.

хамкорликни йўлга қўйиш ва шериклик асосидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларини ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилади.

Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануел Баррозо таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йил январь ойида Брюсселга қилган ташрифи томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожланишидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонланаётган бир вақтда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиқ тарихида яқин тарихга оид воқеаларни атрофлича, илмий нуқтаи назардан ўрганиб таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу асосда, ёш мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятига оид масалаларни тадқиқ этиш ўзининг долзарблиқ жиҳати билан ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги иштирокини, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Европа Иттифоқи билан икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ёритиш, бугунги кунда мамлакат тарихчилари олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Тадқиқотнинг даврий чегараси 1991–2005 йилларни қамраб олади. Бу давр Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши жараёнидаги тараққиёт йўлини ишлаб чиқиши, халқаро майдонга юз тутиши, ташқи сиёсат стратегияси ва тамойилларининг шаклланиши ҳамда амалда жорий этилиши билан ажралиб туради. Айнан шу даврда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида турли халқаро ташкилотлар хусусан, Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлиги ҳамда амалга оширганлиги билан характерланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш соҳаси илмий-тадқиқот жараёнидаги янги йўналиш ҳисобланади. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги фаолияти мустақиллик йилларида бир қатор тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа вакиллари томонидан ўрганилиб, уларнинг тадқиқотларида ҳамкорликнинг айрим соҳаларига оид муҳим маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, собиқ совет тузуми емирилиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг юзага келиши ва уларнинг бугунги кундаги фаолияти кўплаб чет эл олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда. Шунга кўра, танланган мавзуни ёритиш учун хизмат қилган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топилди.

Жумладан, **биринчи гуруҳга** мустақиллик даврида яратилган адабиёт ва илмий мақолалар; **иккинчи гуруҳга** мустақиллик йилларида республика олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари; **учинчи**

гуруҳга эса, бевосита чет эл олимлари томонидан яратилган илмий адабиётларни киритилди.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегияси ва омиллари, халқаро майдонга чиқиши, халқаро муносабатларнинг замонавий шаклини яратишдаги ўрни ҳамда жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама олиб борган ҳамкорлик алоқалари масалаларини камраб олган. Улар орасида, энг аввало, А. Акилов, А. Расулев ва А. Бедринцев, А. Касимов, Л. Петрова, И. Васькин, Н.А. Касимова, С.А. Жўраевларнинг¹ монографияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган ушбу муаллифларнинг ишларида республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши миллий мустақиллик мафкураси нуктаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, уларда мамлакат ташқи сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари кўриб чиқилган ва айни пайтда мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва устувор жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган.

Ўзбекистон олимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган бир қатор ишларни ҳам тилга олиш мумкин². Хусусан, С. Шарапованинг монографиясида мустақил Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатлар ўрнатилиши билан умумжаҳон тизимига кириб боришининг ўзига хос жиҳатлари, республиканинг ташқи сиёсатига тарихий-маънавий мерос ҳамда миллий менталитетнинг ўзига хослиги, маданий кадриятлар, янги мустақиллик мафкураси каби омилларнинг таъсири таҳлил қилинган.

А.Г. Холлиев ва Х.Г. Гуломовлар томонидан яратилган монографияда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида жаҳоннинг йирик мамлакатлари бўлмиш Буюк Британия ва АҚШ билан олиб борган тенг ҳуқуқли алоқалари тегишли маълумотлар асосида ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ҳамкорлик алоқаларига бағишланган А. Қирғизбоевнинг монографиясида Ўзбекистоннинг Осиё қитъасидаги етакчи давлатлар билан кўп томонлама ҳамкорлиги кенг кўламда, архив материаллари жалб қилинган ҳолда таҳлил этилган. Халқаро ҳамкорлик муносабатлари борасида Э.З. Нуриддиновнинг тадқиқотлари

¹ Акилов А., Расулев А., Бедринцев А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 80 с.; Жураев С. А., Касимова Н. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008. – 320 с.; Касимов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Тошкент: Узбекистан, 1994. – 112 с.; Касимов А., Петрова Л. Внешняя политика Узбекистана в свете концепции ненасилия. – Тошкент: 1992. – 124 с.

² Шарапова С. Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы. – Ташкент: Адолат, 2000. – 215 с.; Гуломов Х. Г., Холлиев А. Г. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США (1991–2001 гг.). – Ташкент: Университет, 2002. – 118 с.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Далимов Р. Т., Махамбетова З., Худякова Н. К. Международная экономическая интеграция. – Ташкент: Университет, 2004. – 160 с.; Касимова Н. А., Жўраев С. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008. – 320 с.; ва бошқалар.

алоҳида ўрин эгаллайди¹. Хусусан, муаллифнинг “Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги” номли монографиясида кўплаб ҳужжатли материаллар асосида республиканинг Европа мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлиги кенг кўламда ёритиб берилган. Шунингдек, монографияда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларига оид маълумотлар ҳам берилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига хос бўлган халқаро ҳаётнинг барча соҳаларидаги иштироки тўғрисида тегишли маълумотлар пойдевори ҳосил бўлишига кўмаклашади. Аммо, муаллиф ушбу монографияда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқа ва унинг ривожланиш жараёнларини тўлиқ ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Шундай бўлишига қарамасдан, Э.З. Нуриддиновнинг тадқиқотлари бевосита Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга кирувчи мамлакатлар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари ҳақида маълум тарзда таассуротга эга бўлишда кўмак беради.

Ушбу масалага оид илмий тадқиқотлар орасида М. Бабаходжаевнинг илмий ишлари анча салмоқли бўлиб, унинг мазкур масалага бағишланган монографиясида Ўзбекистон Республикасининг аграр соҳадаги сиёсатининг тарихий ва замонавий ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Шу билан бирга, монографияда ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф жаҳон хўжалиги алоқалари масалаларига тўхталиб, унинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий қайта қуришлардаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб берган².

Бундан ташқари, Л. Бабаходжаевнинг масала моҳиятига қаратилган асарида ҳам бевосита халқаро алоқаларнинг ривожланиш жараёнида эътибор қаратилган. Муаллиф маданий соҳанинг муҳим тармоғи бўлган тасвирий санъат, амалий безак санъати, театр, мусиқа ва киноматография соҳаларидаги халқаро алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши жараёнида таҳлил қилган. Бундан ташқари, асарда Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг нодавлат жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш масалаларига ҳам эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва уларнинг ҳуқуқий нормаларига мос келиш масалалари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар

¹ Нуриддинов Э.З. Становление нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // *Общественные науки в Узбекистане*. – Тошкент, 1998. – № 1. – С. 22-27; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ва Германия // *Фан ва турмуш*. – Тошкент, 1998. – № 2. – Б. 17; Ўша муаллиф. Ўзбекистон – Чехия: плодотворное сотрудничество // *Экономика и статистика*. – Ташкент, 1998. – № 8. – С. 32; Ўша муаллиф. Ўзбекистон – Венгрия: иқтисодий ҳамкорлик йўлида // *Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси*. – Тошкент, 2000. – № 3. – Б. 45-47; Ўша муаллиф. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари // *Ўзбекистон тарихи*. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 27-37; Ўша муаллиф. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Тошкент: Чулпан, 2002. – 216 с.; Ўша муаллиф. Становление и приоритетное направление внешней политики Республики Узбекистан // *Ўзбекистон тарихи*. – Тошкент, 2002. – № 4. – С. 3–11.

² Бабаходжаев М. Республика Узбекистан: межнациональные и межконфессиональные отношения, внешнеэкономические связи. – Ташкент: ТГИВ, 1996. – 310 с.; Ўша муаллиф. Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики. – Ташкент: ТГИВ, 2004. – 336 с.

томонидан яратилган асарларда ҳам ўз ифодасини топган¹. Масалан, Р. Ҳакимов ўзининг монографиясида БМТда амалга оширилаётган структуравий ислохотлар, ундаги мавжуд органлар ҳуқуқий фаолиятига баҳо бериб, бевосита Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан халқаро келишув ташаббуслари ва ҳамкорлиги масалаларини ёритиб берган.

Шу билан бирга тадқиқотга яқин бўлган, масалага ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашилган бир қатор ишларни ҳам қайд этиш лозим². Улар орасида, айниқса, Ҳ. Юнусовнинг ишлари бевосита Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратгани билан ажралиб туради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг айрим қирралари ҳамда халқаро ҳамкорлик масалалари кўплаб илмий журнал ва тўпламларда чоп этилган мақолаларда ҳам ўз аксини топган³.

Иккинчи гуруҳга бевосита мустақиллик йилларида ўзбекистонлик олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари киритилди. Ушбу гуруҳга кирувчи тадқиқотларни таҳлил қилиш ва ўрганиш натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро

¹ Ҳакимов Р. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 124 с.; Ҳакимов Р. Узбекистан и Организация Объединенных Наций. (3-е издание, дополнение). – Ташкент, 2006. – 320 с.; Саидов А. Х. Халқаро ҳуқуқ. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти. – Тошкент: 2001. – Б. 320; Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шарномалар: тўплам / маъсул муҳаррир А. Х. Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004. – 520 б.; Мўминов А. Ўзбекистон ва Юнесконинг халқаро ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент: Академия, 2004. – 122 б.; Адилходжаева С. М. Глобализация и стратегия государства. – Ташкент: ТГЮИ, 2007. – 130 с.; Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 212 б.; Лукашук И. И., Саидов А. Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007. – 392 б.; Дунё Омбудсманлари / Таҳрир ҳайъати: С. Ш. Рашидова ва бошқ; Тарж. А. Р. Мўминов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – 402 б.; Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари // Маъсул муҳаррир: А. Х. Саидов. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2005. – 168 б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 464 б. ва бошқалар.

² Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон: ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2002. – № 1. – Б. 59-63; Ўша муаллиф: Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 74-79; Ўзбекистон ва ТАСИС // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2003. – № 1. – Б. 13-18; Европа Иттифоқи ва ҳамжамятлари ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 40-48.; Европа Иттифоқи конституцияси: таҳлил ва истиқбол // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент, 2004. – № 3(27). – Б. 13-15.; Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик концепцияси // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2007. – № 3 – Б. 40-49; Халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий ҳуқуқ // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. – № 1. – Б. 32-36.

³ Худойкулова Л. С. Программа ТАСИС – первые шаги // Общественное мнение. Права человека. – Тошкент, 2000. – № 1. – С. 43-48; Ўша муаллиф: Формирование единого экономического пространства на примере ЕС // Экономический вестник Узбекистана. – Тошкент, 2001. – № 1. – С. 28-29; Ўша муаллиф: Сотрудничество ЕС и Республики Узбекистан на примере проектов Темпус Тасис // Материалы международной конференции “Европейская интеграция и Узбекистан”. – Тошкент, 2002. – С. 120-124; Мўминова Г. Партнёрство Узбекистана и Европейского союза отвечает обоюдным интересам // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2001. – № 3. – 56—58-б.; Европа демократияси // Ҳаёт ва қонун. – Ташкент, 2002. – № 3. – С. 37; Сотрудничество ЕС и Узбекистана // Европа. – Варшава, 2003. – Т. 3. – № 1 (6). – С. 51-68; Турсунов Қ. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2010, – №1. – Б. 52-54.

муносабатлар ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган тадқиқотлар, Ўзбекистон тарихи фанининг тараққиётида халқаро алоқалар мавзуси ўзига хос ўринга эга бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти ва халқаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган докторлик диссертациялари¹ қаторига Э.З. Нуриддинов, А. Қирғизбоев ва С. Шароповаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Мазкур муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишларининг амалдаги ҳолатини тарих фанида илмий нуқтаи назардан ўрганилганлиги ва таҳлил этилганлигидан далолат беради. Жумладан, Э.З. Нуриддиновнинг докторлик диссертацияси мустақиллик йилларида мамлакатнинг Европа давлатлари билан кенг камровли ҳамкорлик алоқаларига бағишланган бўлса, А. Қирғизбоевнинг диссертациясида Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан турли йўналишларда олиб борилган алоқалари ёритиб берилган. С. Шаропова эса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг замонавий халқаро муносабатларда олиб борган кўп қиррали дипломатик сиёсатининг моҳиятини очиб берган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотларнинг қиймати республикадаги давлат архиви, турли вазирлик ва ташкилотларнинг жорий архив ҳамда давлат статистика департаментининг маълумотларига асосланганлиги ва уларни илк бор илмий жараёнда қўлланилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ва олиб борилаётган жараёнларни ёритишга бағишланган бир қатор номзодлик диссертацияларини кўрсатиш мумкин². Бу тадқиқотлар мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиб, замонавий халқаро муносабатларнинг иштирокчисига айланганлигини намойиш этади.

¹ Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: АНРУз, 2000. – 305 с.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги: Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА, 2004. – 338 с.; Шаропова С. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: Участие универсальных, региональных и субрегиональных организациях межгосударственных объединениях: Автореф. док. ... полит. наук. – Ташкент: АГОСПРУз, 2006. – С.50.

² Пўлатова С.А. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари ва уларнинг Республикамиз барқарорлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти: тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТошДУ, 1994. – 160 б.; Жураев Р.Т. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях: Дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент: НУУз, 1998. – 162 с.; Холлиев А.Г. Экономические, научно-технические, культурные связи Узбекистана с Великобританией и США: Дисс. канд. ... ист. наук. – Тошкент: НУУз, 1998. – 177 с.; Зиямов Н. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент: НУУз, 2002. – 26 с.; Мишарев Д. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Германией: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент: НУУз, 2004. – 28 с.; Султанов А. История сотрудничества Узбекистана со странами Европы в гуманитарной сфере 1991-2001 гг. (на примере Австрии, Германии, Швейцарии): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент: НУУз, 2006. – 30 с.; ва бошқалар.

Шунингдек, мамлакатнинг айрим халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини ёритишга бағишланган тадқиқотлар ҳам мавжуд¹. Булар ичида тадқиқотга тааллуқли Л.С. Худойкулова, Г. Мўминова ва Ҳ. Юнусовларнинг илмий ишларини қайд этиб ўтиш мумкин. Хусусан, Л.С. Худойкулова Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини Европа Иттифоқининг ТАСИС ТЕМПУС дастури доирасида ёритишга ҳаракат қилган. Кейинги тадқиқотчилар ушбу мавзунини ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганиб, ҳамкорликни сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини илмий таҳлил қилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган диссертацияларда тадқиқот объекти, яъни Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлиги масалалари тарихий нуқтаи назардан батафсил равишда очиб берилмаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари мавзусига бағишлаб ёзилган докторлик ва номзодлик диссертацияларининг тобора ортиб бориши ушбу мавзунини нақадар долзарб жиҳатга эга эканлигини намоён этиб, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви масалаларини янада кенгроқ тадқиқ қилиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида илмий тадқиқотларда олға сурилган ғоялар Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларини атрофлича ёритишда ўзига хос манба бўлиб хизмат қилади.

Учинчи гуруҳга Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан ўзаро алоқалари ҳамда Европа Иттифоқининг юзага келиш тарихи, тараққий этиш йўли ва бугунги кунда амалга оширилаётган интеграцион жараёнлар масалаларига қаратилган хорижлик муаллифларнинг ишлари киритилган.

Масалан, мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги эришган муваффақиятлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ривожланиши ҳақида Б. Робертсон, Н. Любин, Д. Дикер ўз асарларида фикр-мулоҳаза юритганлар². Шу билан бирга ушбу муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий ва геостратегик аҳамиятига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

Шунингдек, ушбу ғоялар бир қатор россиялик олимларнинг илмий ишларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, С. Жуков ва В. Колесниковнинг ишларида Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг ривожланишига ва уларнинг халқаро жараёндаги мустақил иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақаси доирасида кечаётган

¹ Рахимов М. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН 1991-1999 гг (На примере ЮНЕСКО). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -- Ташкент, 2000; Худайкулова Л. С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским Союзом. 1991–1999 гг. (Программа Тасис Темпус): Дисс. ... канд.ист.наук. – Ташкент: НУУз, 2002; Мўминова Г. Политико-правовой аспект сотрудничества Республики Узбекистан и Европейского Союза. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: УМЭД, 2007. – С. 23; Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент: ЖИДУ, 2009. – 30 б.

² Lubin N. Central Asia: Issues and challenges for United States policy. The new geopolitics of Central Asia and its borderlands. Ed. By Ali Banuazizi and Myran Weiner. J. 8. Touris and Co. Ltd. – I. W. Y., 1994; Dyker D. A. Investment direction in prospects of Uzbekistan // Central Asia Newsiife. Chapter 4, 8. August-September. 1996; Roberson B. A. The Middle East and Europe. The Power deficur. Routledge. – London, 1998.

интеграцион жараёнда Ўзбекистон муҳим геосиёсий ўрин тутаётганлиги қайд этилган¹.

Европа Иттифоқининг шаклланиш тарихи ва интеграция йўлида ривожланиш масалалари ҳам бир қатор хорижлик олимлар асарларида ўз аксини топган². Масалан, С. Пистоун ва Э. Уинстрич ўз китобларида Европа Иттифоқи доирасида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан интеграцияни жадал амалга ошириш йўллари излаш ва ҳаётга тадбиқ этиш жараёнларини илмий нуқтаи назардан очиб берганлар.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи тарихи билан боғлиқ бўлган масалалар кўплаб россиялик олимларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Масалан, Ю.А. Борко, А.В. Загорский, С.А. Карагановлар томонидан чоп этилган китобда Европа Иттифоқига кирувчи давлатлардаги интеграцион жараёнларни ривожланиш истиқболлари тадқиқ этилади. Муаллифлар “умумий Европа уйининг” қандай бўлиши тўғрисидаги ўзларининг таҳлилий нуқтаи назарларини ҳам берадилар. Шу ўринда улар Европа минтақасидаги давлатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда биргаликда баробар иштирок этишлари лозим эканлигига эътибор қаратадилар.

Таъкидлаш жоизки, тадқиқот мавзусини ёритиш жараёнида Россияда чоп этилган асарлар ҳам муҳим аҳамият касб этади³. Масалан, А.С.Намазова ва Б.Эмерсон ўз асарларида XX асрнинг иккинчи ярмида Европа мамлакатларининг интеграция йўлида босиб ўтган тарихий йўли ва босқичлари таҳлил остига олинган. В.Г.Шемятенков, Ю.Шишковнинг асарларида Европа Иттифоқи доирасида амалга оширилаётган минтақавий интеграция жараёнининг илмий-методологик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлиги ва ташқи сиёсий масалалари, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатидаги фаолияти ҳақидаги илмий тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради. Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги ривожланиши тарих фанида ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорлик масалаларини ўз ичига олган янги йўналишни яратди. Бу эса Ўзбекистон тарихшунослик илмини ушбу

¹ Жуков С., Резникова О. Центральная Азия в мировой политике и экономике // США: ЭПИ, 1994. – № 12. – С. 82-85.; Жуков С. Казахстан, Киргизстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1997. – № 3. С. 45-60; Виноградова Л. Экономическая интеграция в СНГ и опыт третьего мира // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1995. – № 9. –С. 22–28; Колесников В. Узбекская модель развития // Эксперт ЕвроАзии. – Москва, 2001. – № 9. – С.34-39; ва бошқалар.

² Ch.P.Kindleberger. European integration and international Cooperation, 1966; J.Pinder. Problems of European integration: Economic integration in Europe. – London, 1979; Pistone S. Altiero Spinelti and the strategy for the United States of Europe || The European Union: readings on the theory and practice of European integration | Ed. By V.Nelsen find A.Stubb. Bouldtr: Reinner, 1994; Wistrich E. The United States of Europe. – London: Routledge, 1994.

³ Топорин Б. Н. Европейское Сообщество: право и институты. – Москва, 1992; Намазова А. С., Эмерсон Б. История Европейской интеграции (1945–1994 гг). – Москва, 1995; Арах Метка. Европейский Союз: видение политического объединения. – Москва, 1998; Семенов К.А. Международная экономическая интеграция. – Москва: Логос, 2001; Шемятенков В. Г. Европейская интеграция. Учебное пособие. – Москва: Междунар. Отношения, 2003. – 400 с. Шишкова Ю. В. Интеграционные процессы на пороге XXI века. – Москва, 2001.

ўрганилаётган масалада кенг ёритилишини таъминлаб беради ва дунё ҳамжамиятида замонавий Ўзбекистон давлатининг аниқ ўрни қандай эканлиги ҳақида объектив фикр ҳосил қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва шу билан бирга, Европа Иттифоқи билан олиб бораётган кўп томонлама ҳамкорлик жараёнларини илмий жиҳатдан тўлақонли ёритиш ва батафсил ўрганиш тенденциясини кучайтиради. Шундан келиб чиқиб, мамлакат тарих фанида ҳосил бўлган илмий тенденциялар ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва ривожланиши тарихига оид масалаларни таҳлил этиш тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади.

Кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

– Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли иштирокчисига айланиши жараёнини ёритиб бериш;

– Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегияси ва тамойиллари асосида унинг устувор йўналишларидан бири сифатида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари белгиланганлигини асослаб бериш;

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг шаклланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва Ҳамкорлик ҳақидаги шартноманинг имзоланиши ва жорий этилиши жараёнларини ёритиш;

– Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ва лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилишдаги аҳамиятини очиб бериш;

– Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш;

– Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга Европа Иттифоқи мамлакатларининг кўрсатган амалий ёрдамларини тегишли маълумотлар асосида кўриб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида фан, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик жараёнларини таҳлил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни таҳлил қилиш асосида тегишли хулосалар чиқариш

ва келгуси алоқаларни янада жадаллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни бажариш йўлида турли манбалардан олинган ҳужжатлар ўрганиб чиқилди ҳамда илк бор илмий муомалага киритилди. Тадқиқотнинг манбавий асосини архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар ва даврий матбуот материаллари ташкил этади.

Аввало, маълумотларнинг асосий базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлари хизмат қилди. Тадқиқотда архивнинг М-2 ва М-7 фондларидаги ҳужжатлардаги маълумотлар муҳим ўрин эгаллади. Ушбу фондларда Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётига оид кўп сонли материаллар сақланади. Бу маълумотлар мамлакатнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини таҳлил қилиш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ислохотлар, шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларини ёритишда катта хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Маданий-маърифий алоқалар бўйича дўстлик жамиятлари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг жорий архивларидан олинган ҳужжатлар тадқиқотнинг фан, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик жараёнларини очиқ беришда хизмат қилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган Европа Иттифоқи комиссиясининг Ўзбек бюроси ҳамда “Европа уйи”дан олинган маълумотлар бирламчи ҳужжат сифатида тадқиқот олдига турган масалаларни ёритишда кенг фойдаланилди. Бундан ташқари инглиз, француз ва рус тилида Европа Иттифоқи комиссияси томонидан нашр этиладиган ойлик бюллетен, йиллик ҳисоботлардан ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Мазкур тадқиқотни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси ва турли бюллетенлар, даврий матбуот материалларидан кенг фойдаланилди. Ўзбекистонда нашр қилинган кундалик матбуотдан Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига оид турли хабарлар, таҳлилий мақолалар ва ҳукумат қарорларидан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистон Республикасининг 1991–2005 йиллар давомидаги Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари ташкил этади. Тадқиқот предмети сифатида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва амалга ошириш жараёнларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш танлаб олинган.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг етакчи илмий концепцияси умуминсоний кадриятларга йўналтирилган илмий билиш методлари, холислик, тарихийлик тамойиллари ва миллий истиқлол мафқураси ҳисобланади. Шу билан бирга, илмий англашнинг умумжаҳон

тамойиллари, инсонпарварлик қадриятлари, жаҳон ҳамжамиятига хос бўлган демократиянинг эътирофи этилган тамойиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг янги тарихини яратиш тўғрисида”ги (1996 йил 16 декабрь) ва “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1998 йил 27 июль) қарорлари диссертациянинг назарий-услубий асоси бўлиб хизмат қилди.

Мавзуни ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маърузалари, чиқишлари, асарларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар ҳам назарий ҳам услубий жиҳатдан асос бўлди. Уларда мустақил Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи ривожланишига хос бўлган асосий қоида ва тамойиллар, дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда ифодалаб берилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантиришга киришди. Бу борада миллий манфаатларни устун қўйган ҳолда мамлакатнинг ташқи сиёсий стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди ва Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Қисқа муддат ичида жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан тан олинди ҳамда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси замонавий халқаро муносабатларнинг иштирокчисига айланди;

– иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш белгиланди. Ўзбекистон учун бозор муносабатларига ўтиш даврида ушбу ташкилот ва унинг таркибига кирувчи ривожланган индустриал давлатлар билан тенг ҳуқуқли шериклик асосидаги алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади;

– учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик битими томонлар ўртасида кенг қамровли алоқаларнинг боришида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Шу асосда томонлар ўртасида иқтисодий ва савдо алоқалари ривож топди, мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига сармоялар киритилди, бир қанча қўшма корхоналар ташкил этилди. Натижада, Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардаги ислохотларни амалга оширишда Европа Иттифоқи билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг ўрни катта бўлди;

– тўртинчидан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар кўп ва икки томонлама яратилган ҳуқуқий асосларга биноан, республикадаги ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишга ўз кўмагини қўшди. Шу билан бирга, фан, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини берди. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи халқлари ўртасидаги муносабатларнинг

янада ривож топганидан ҳамда замонавий халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг ўрни нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертацияда жаҳонда глобаллашув жараёни ҳукм сураётган бир даврда, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатилиши ва бу ҳамкорликнинг ривожланиши масалалари илк бор тарихий ёндашув асосида кўриб чиқилган.

Шунингдек, мавзунинг илмий янгилиги қуйидаги асосий омиллар билан ҳам белгиланади:

– Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсий стратегияси ва тамойилларига асосланган ҳолда мамлакатнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши устувор йўналишлардан бири эканлиги ўз ифодасини топди;

– Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ва миллий истиқлол мафқурасига таянган ҳолда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши ҳамда замонавий халқаро муносабатларда иштирок этиши жараёнлари бевосита Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мисолида янги ҳужжат ва материаллар асосида ёритиб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ушбу ташкилотнинг янги мустақил давлатлар билан олиб бориладиган муносабатлари, бу муносабатларнинг шериклик асосида умумэтироф этилган ҳуқуқий ҳужжатларга таянилганлиги ҳамда иккала томон ундан манфаатдорлиги аниқланди;

– Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилиш жарёнида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури алоҳида ўрин эгаллаганлиги ҳамда фан, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни боришида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларининг иштироқи беқиёс эканлиги янги архив ҳужжатлари асосида ёритиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан саналган Ўзбекистоннинг энг янги тарихини яратиш борасидаги илмий изланишлардан биридир. Унинг натижалари мустақил Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига йўл очган ташқи сиёсат стратегияси ва тамойилларининг ҳаётийлигини очиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, республиканинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Тадқиқотда илгари сурилган асосий назарий хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини келажакда янада жадаллаштириш йўлида мамлакатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини олиб боровчи давлат муассасаларига назарий ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида тўпланган ва назарий жиҳатдан умумлаштирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги давлатчилик тарихига ва унинг ташқи сиёсий фаолиятига бағишланган монографик ишларни тайёрлаш жараёнида амалий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, ундан мамлакатнинг таълим муассасаларида “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фанларини ўқитишда, олий таълим тизимининг бакалавриат ва магистратура мутахассисликларида замонавий халқаро муносабатлар масалаларига бағишланган махсус курс дарсларини ташкил этиш жараёнларида кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация объектини тадқиқ этиш натижасида эришилган илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультети бакалавр йўналишидаги талабаларга “Ўзбекистон тарихи”, “Энг янги тарих” фанлари ҳамда “XX аср халқаро муносабатлари ва интеграция жараёнлари” махсус курсини ўқитиш жараёнида қўлланилмоқда.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган илмий мақола ва конференцияларда ўқилган маърузаларда ўз аксини топган. Иш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ватан тарихи” кафедрасининг йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсияга этилган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 17 та иш эълон қилинган. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан чоп этилган 5 та илмий мақола ва 12 та тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 180 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси – жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қисқа давр ичида Президент И.А.Каримов бошчилигида мамлакат ташқи сиёсатининг аниқ стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилганлиги эътироф этилган. Ушбу жараёнга назар ташлаган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб республиканинг қўлга киритган сиёсий ютуғи жаҳон ҳамжамияти томонидан тўла қўллаб-қувватланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида хусусан, 1992

йил январигача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасини 83 та давлат¹ тан олиб, шулардан 8 таси² билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонни 182 дан ортиқ давлат тан олганлиги ва дунёдаги 142 дан ортиқ мамлакатлар билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги кўрсатиб берилган³.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси қисқа давр ичида мамлакатнинг ташқи сиёсий стратегияси ва тамойилларига асосланган ҳолда, кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлиги ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзосига айланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунга биноан, бугунги кунда мамлакат 100 дан ортиқ халқаро, шулар жумласидан 41 та нуфузли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади⁴. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қисқа давр ичида жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар: БМТ⁵, Жаҳон почта Иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро электр алоқалари Иттифоқи, Халқаро Реконструкция ва ривожланиш банки, Халқаро валюта фонди, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европада тикланиш ва тараққиёт банки, Қўшилмаслик ҳаракати, Божхона ҳамкорлиги кенгаши, Халқаро Олимпия кўмитаси, Халқаро метрология ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро атом энергетикаси Агентликлари билан алоқа ўрнатди ва аъзоликка қабул қилинди⁶.

Тадқиқотда, жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЕХХТ, МДҲ ва ШҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатида уларнинг ишида фаол иштирок этаётганлиги ҳамда кўплаб муҳим халқаро шартномаларга қўшилганлигига эътибор қаратиб ўтилган.

Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 90 дан ортиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларга, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича 70 га яқин конвенцияга қўшилди⁷. БМТ котибияти ажратиб берган 22 та асосий битим ва конвенциялардан 19 тасини Ўзбекистон ратификация қилди. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий битимлар, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар бор.

¹ Тюриков В., Шоғуломов Р. Независимая Республика Узбекистан: Памятные события и даты (1991-1996). – Ташкент: Узбекистан, 1997. – С. 18.

² Министерство иностранных дел Республики Узбекистан (далее: МИД РУз): Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>

³ Бабаходжаев М. Суверенный Узбекистан. – Ташкент, 2005. – С. 334.

⁴ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>

⁵ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омилар. – Тошкент: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2001. – Б.6.; (2009 йилда БМТга аъзо мамлакатлар сони 192 тага етди // Ўзбекистон Овози. – 2009. – февр.).

⁶ ЦГА РУз. Республика Узбекистан членство в международных организациях. Ф. М-2. оп.1, д. 169, л. 38.

⁷ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>

Шунингдек, тадқиқотнинг биринчи бобида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиши ва тобора чуқурлаштириш масалалари алоҳида ўрин тутган.

Европа Иттифоқи (ЕИ) – Европадаги демократик давлатларнинг ҳамжамияти ҳисобланиб, унинг олдига қўйилган мақсад – тинчлик ва барқарорлик сари биргаликда иш олиб боришга қаратилган. Европа Иттифоқи ўзига хос бой тарихга эга. Бугунги кунда у 27 давлатни бирлаштирган йирик интеграцион ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий мақсади Европада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ҳамда аъзо мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий интеграциялашувини ҳамкорликда ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо мамлакатлар учун ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, икки томон учун ҳам бугунги кунда катта сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Айниқса мустақил Ўзбекистон учун ушбу ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мамлакат ташқи сиёсат стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, миллий манфаатларга тўлиқ мос тушади.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига эътиборни қаратганда, аввало, томонлар ўртасидаги ҳамкорлик икки йўналиш асосида ўз ривожини топганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Биринчиси – сиёсий йўналиш бўлиб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган “Шериклик ва ҳамкорлик” тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ва истиқболи билан боғлиқдир.

Иккинчиси – Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқининг илмий-техникавий соҳага йўналтирилган ТАСИС дастурининг жорий қилиниши ва мамлакатда турли соҳалардаги ислохотларни амалга оширишдаги фаолияти билан боғлиқ йўналишдир.

Шундай қилиб, ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланганлиги, кўплаб мамлакатлар ва турли халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини олиб боришга қодир бўлганлиги очиқ берилган. Шу билан бирга нуфузли ҳисобланган Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири эканлиги асослаб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг шаклланиш жараёнлари”** деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шаклланиш ва жорий этиш жараёнлари ҳамда ушбу ташкилотнинг ТАСИС дастури доирасидаги бир нечта лойиҳаларни Ўзбекистонда олиб борилаётган

ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Икки томонлама муносабатларни тўла йўлга қўйишда «Шериклик ва ҳамкорлик» битимини (ШХБ) имзолаш жараёни жуда муҳим тарихий аҳамиятга эга воқеалик ҳисобланади. Чунки, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишда айнан шу ҳуқуқий ҳужжат асос бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадида ушбу ҳужжатнинг имзоланишини кун тартибидаги долзарб масала сифатида қарай бошлади. Ушбу жараён бир неча босқичдан иборат бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1994 йил март ойида Европа Иттифоқи билан «Шериклик ва ҳамкорлик» битимини ўрнатиш ташаббуси билан чиқди. Шу асосда, 1994 йил октябрь ойида ташки ишлар вазирлари даражасидаги Европа Иттифоқи Кенгаши Ўзбекистон билан «Шериклик ва ҳамкорлик» битимини имзолаш ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, бу жараёнда музокаралар бошлаш мумкинлиги хулосасини билдирди. Шу боис Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият билан чуқур ва атрофлича ўрганиш мақсадида республикага Европа Иттифоқи комиссиясининг делегациясини юбориш қарори қабул қилинди¹.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги бўйича биргаликда тузилган кўмитанинг биринчи учрашуви 1995 йил май ойида Брюссель шаҳрида бўлиб ўтди. Учрашувда республиканинг тараққиёт йўналишлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари таҳлил қилинди².

Бир неча босқичда олиб борилган таҳлиллар натижасида экспертлар Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни атрофлича ўрганиб, Европа Иттифоқи Кенгашига, ушбу мамлакат билан «Шериклик ва ҳамкорлик» битимини имзолаш юзасидан кенг музокаралар олиб бориш мумкинлиги тўғрисидаги таҳлилий ҳужжатини топширди. Бу таҳлиллар билан танишгандан сўнг, 1996 йил 26 февralида Европа Иттифоқи Кенгаши Ўзбекистон Республикаси билан расмий мулоқот олиб боришни маъқуллади³.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланиши лозим бўлган, «Шериклик ва ҳамкорлик» тўғрисидаги битимнинг биринчи босқичи 1996 йил 14 мартда Брюссель шаҳрида муваффақиятли яқунланди. Брюссель учрашувида, хавфсизлик, мудофаа, интеллектуал мулк ҳимояси, чет эл инвестициясининг эркин ҳаракатини таъминлаш каби муаммолар асосий масала сифатида кўрилди⁴.

¹ Ўзбекистон – Европейский союз: важный шаг на пути к Европейской интеграции. – Ташкент: Информационное агенство “Жаҳон”, 1996. – С. 5.

² Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – С. 79.

³ Дания Парламенти Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган битимни ратификация қилди // Халқ сўзи. – 1997. – 10 март.

⁴ МИД РУз // А. Папка информации о ЕС и СПС между РУз и ЕС. – С. 7.

Ҳамкорликнинг давоми сифатида 1996 йил 8 апрелида Европа Иттифоқи комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифида кўриш мумкин¹. Европа Иттифоқи комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация қисқа муддат ичида Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар билан танишиш имкониятига эга бўлиб, икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келди. Жумладан, Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий ўсишга эришганлигини ва Ўзбекистон Европа Иттифоқининг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорига айланганлигини алоҳида қайд этди².

Тадқиқотда, бундай учрашувлар ва уларда қабул қилинган хулосалар натижасида 1996 йил 21 июнда Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги “Шериклик ва ҳамкорлик” тўғрисидаги битим имзоланганлиги, 1999 йил 1 июлдан эътиборан кучга кирганлиги ҳамда бу битим томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси эканлиги тўлалигича ўз аксини топган³.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган “Шериклик ва ҳамкорлик” тўғрисидаги битимнинг бош мақсади кўйидагиларга қаратилган:

- Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлаш;
- сиёсий алоқаларни ривожлантиришга, томонлар билан сиёсий мулоқот олиб боришга шароит яратиш;
- Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва уларни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнига кўмаклашиш ва яқунлаш;
- савдони ривожлантиришда инвестицион шериклар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни уйғунлаштириш ва шу орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, молия, фуқаролик, илмий ва маданий соҳаларда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш.

Шундай қилиб, “Шериклик ва ҳамкорлик” битимининг кучга кириши ҳамда амалдаги фаолияти, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон учун муҳим воқеалик бўлиб, ҳамкорликнинг янги қирраларини очилишига кенг имкон яратди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик жараёнини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, халқаро ҳамжамият ва жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувида муҳим ўрин тутади.

¹ Правда Востока. – 1996. – 27 апрель., Касымова Н. А., Жўраев С. А.. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, 2008. – С. 232.

² Ўзбекистон – Европа Иттифоқи: Ҳамкорликнинг янги босқичи // Халқ сўзи. 1996 йил 9 апрель.

³ Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги “Шериклик ва ҳамкорлик” тўғрисидаги битимни 1996 йил 21 июнида имзоланиб, 1999 йилнинг 1 июлигача амалиётга тадбиқ этилмаганлигини сабаби шундаки, Иттифокқа аъзо ҳар бир мамлакатнинг парламентлари томонидан ратификация қилмагунга қадар тўла кучга кирмайди.

Шу билан бирга тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ижтимоий–иқтисодий соҳалардаги ислохотлар ва бу жараёнда Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури лойиҳалари доирасида кўрсатилган амалий ёрдамларига алоҳида эътибор қаратилиб, далиллар асосида очиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи ТАСИС дастури орқали Ўрта Осиё ва Монголия¹ давлатларига иқтисоднинг янги моделларини ривожлантиришда, демократик тамойиллар ва инсон ресурсларини мустаҳкамлашда, шу билан бирга халқаро ҳамжамиятга кириб боришларида ёрдам бериш учун кўп муддатли ўзаро муносабатларни ўрнатди.

Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида 1992 йил меморандум қабул қилинган вақтдан бошлаб, ТАСИС дастури ўз фаолиятини бошлаган. Ўзбекистонда давлат корхоналарини қайта қуриш ва хусусий секторни ривожлантириш, давлат бошқарув тизими, ижтимоий хизматлар ва таълим ислоҳоти, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, алоқа ва шу каби бошқа соҳалардаги ислохотларни амалга ошириш йўлида Европа Иттифоқи ТАСИС дастурининг кўплаб лойиҳалари бажарилди. Биргина 1992-1999 йиллар мобайнида ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга оширилиши учун Европа Иттифоқи томонидан 4 миллиард евро миқдоридан маблағ ажратилди². Шу ўринда айтиш лозимки, 2000 йил январь ойида Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Резолюцияга биноан, Европа Иттифоқининг Шарқий Европа ва Ўрта Осиё мамлакатлари билан ТАСИС дастури доирасидаги ҳамкорлигининг янги босқичи бошланди³. Унга мувофиқ 2006 йилгача бўлган даврда ҳаётий муҳим соҳаларни янада ислох қилиш, ТАСИС дастури лойиҳаларини бажариш мақсадида 3 миллиард евро ажратилди⁴.

Диссертацияда ТАСИС дастурининг махсус лойиҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу жумладан, ТАСИС/ТРАСЕКА ҳамда ТАСИС/ТЕМПУС дастур лойиҳаларининг бажарилиш жараёнлари батафсил очиб берилган. Жумладан, ТАСИС/ТРАСЕКА дастури Марказий Осиёни Каспий денгизи орқали Кавказ ва Европа билан бирлаштирувчи транспорт коридорини ташкил этиш мақсадида тузилиб, 9 та йўналишда йўллар қуриш режалаштирилди. Унда автомобиль, темир йўл, денгиз транспорти ва савдо масалаларини ҳал этиш кўзда тутилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун жанубда – Эрон, шарқда – Хитой, ғарбда - Европа билан эркин транзит алоқа қилиш учун кенг имкониятларни юзага келтиради⁵. Ҳозирда мамлакат орқали 20 та халқаро маршрут йўналишлари ўтган⁶. Таъкидлаш жоизки, 1994 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқининг олий таълим тизимини ривожлантиришга

¹ Монголияда ТАСИС дастури 1994 йилдан фаолият бошлаган - муаллиф.

² Объект интреса – права человека // Народное слово. – 1999. – 29 май.

³ Европейский Союз и Программа Тасис // Буклет, №1. – Брюссель, 2003.

⁴ Ўш жойда.

⁵ Узбекистан – ТАСИС: результаты и перспективы // Народное слово. – 1997. – 1 июль.

⁶ Абатуров В. Транспортная архитектура Азии // Экономическое обозрение. 2007. – №11-12. – С.36-44.

йўналтирилган халқаро ТАСИС/ТЕМПУС¹ дастури ўз фаолиятини бошлаган².

ТЕМПУС 1990 йил 7 майда ЕИнинг Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган бўлиб, Ғарбий Болқон, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги ҳамкор давлатларда олий таълимни замонавийлаштиришга кўмаклашувчи ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигини кучайтирувчи дастур ҳисобланади³.

Ўзбекистон Республикасида ТАСИС/ТЕМПУС дастурининг амалга ошириш жараёни тўрт босқичдан иборат. Биринчи босқич 1994-1998 йилларни, иккинчи босқич 1998-2000 йилларни, учинчи босқич 2000-2006 йилларни ва тўртинчи босқичи эса 2007-2013 йилларни қамраб олади. Шунинг ҳам қайд этиш лозим-ки, 1994 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон олий ўқув юртлари иштирокида ТАСИС/ТЕМПУС дастурининг 76 та лойиҳасининг бажарилиши учун Европа Иттифоқи комиссияси томонидан 19,8 млн. евро ҳажмидаги маблағ ажратилди. Шундан, 6,14 млн. евро 1994-2000 йиллардаги лойиҳаларга сарфланган бўлса, 11,3 млн. евро эса 2000-2006 йиллардаги лойиҳаларнинг бажарилиши учун сарфланган⁴.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий натижалари”** деб номланган. Ушбу бобда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга Европа Иттифоқи мамлакатларининг амалий ёрдами афрофлича очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жараёни тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликда ушбу ташкилотга аъзо бўлган барча мамлакатлар иштирок этиб келмоқда. Чунки, ёш мустақил мамлакатнинг иқтисодиётини жадал равишда тубдан модернизация қилиш, унинг кўп тармоқли инфратузилмасини юзага келтириш ва сармоялар ажратиш жараёнида албатта, Европа Иттифоқининг илғор, ривожланган мамлакатларининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқининг иқтисодий тараққий этган Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Испания каби мамлакатлар билан иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда.

¹ ТЕМПУС дастури ғояси 1989 йил декабрида Европа Таълим вазирлари Кенгашида олға сурилган. 1990 йилдан фаолият бошлаган. Дастурнинг мақсади 2010 йилда умумевропа олий ўқув юртлариаро алоқа тизими яратишда Болоня жараёнига кўмаклашувчи ҳамда ҳозирда унга аъзо 7 та Болқон давлати, 12 та Шарқий Европа ва Ўрта Осиёдаги давлатлари, 9 та Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, шу соҳада амалий ёрдам беришни кўзда тулади.

² 10 лет деятельности программы ТЕМПУС/ТАСИС в Узбекистане // Ташкент: Национальный Офис Темпус Дом Европы, 2004. – С. 3.

³ Худойкулова Л. С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским Союзом. 1991–1999 гг. (Программа Тасис Темпус) Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – С. 12-13.

⁴ Программа Темпус в Узбекистане <http://www.tempus.europahouse.uz/index.php>.

Масалан, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнига Франция давлатининг ҳиссаси алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда Франциянинг “Текнип”, “Делепланк”, “Рон Пуленк Агрошими”, “Копако”, “Софинфра”, “Эрбюс”, “Кложнер Ина”, “Томсон”, “Сикло” каби қатор компания ва фирмалари фаолият юритиб, улар савдо-сотиқни кенгайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалик иншоотларини ишга тушириш, технология алмашувини амалга ошириш, транспорт йўлларини очиш, алоқа воситаларини кучайтириш сингари соҳаларнинг ривожига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқининг Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига “Дойче банк”, “Ландесбанк Берлин АГ”, “Коммерцбанк АГ” ва “Дрезднербанк АГ” каби нуфузли банклар муносиб ҳисса қўшиб келмоқда¹.

Тадқиқот натижалари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий савдо-иқтисодий шерикларидан бири эканлигини кўрсатди. Хусусан, 2000 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Германия билан товар айрибошлаш ҳажми 291,9 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 333,7 млн. АҚШ долларини, 2006 йилда эса 324 млн. АҚШ долларини ташкил этди². Шунингдек, Германиянинг “Сименс АГ” концерни мамлакатда 1994 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Концерн томонидан республикада 2001 йилгача бўлган даврда баҳоси 230 млн. немис маркасига тенг бўлган 10га яқин лойиҳа амалга оширилган³. Жумладан, ушбу концерн Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тоза ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларини замонавий техникавий воситалар билан таъминлаш ишларида фаол иштирок этди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқига 2004 ва 2007 йилларда аъзо бўлиб қўшилган Шарқий Европа давлатлари, жумладан Латвия, Словакия ва Болгария каби мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳам ўрганилган.

Тадқиқотнинг ушбу бобида, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи мамлакатларининг фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлиги кўплаб мисоллар асосида ўрганилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси физика-техника институти билан Мадрид Автоном университети ва Барселона Автоном университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўрсатиб ўтилган.

Таълим тизимида илғор тажрибага эга Германия ҳукумати “Профессионал таълимни ривожлантиришига кўмаклашиш” лойиҳаси

¹ МИД РУз // официальный сайт: Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-германские отношения // Сотрудничество в торгово-экономической сфере. <http://www.mfa.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги жорий архиви. Ўзбекистон Европа Иттифоқи савдо – иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумот. 1- варак.; Абатуров В. Европейский прицел // Экономическое обозрение, 2007. – № 4. – С. 29.

³ Оксаройда қабул // Халқ сўзи. – 2001. – 4 сентябрь.

доирасида Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш учун 7,6 млн. евро ажратганлиги¹, Ўзбекистондаги Франция элчихонаси эса мувофиқлаштираётган университетлараро алмашинув дастурига кўра, 1000 га яқин талаба 1991 йилдан 2001 йилгача қисқа муддатли стипендиялар дастури доирасида таълим олганликлари кўрсатиб ўтилган².

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йил имзоланган “Шериклик ва ҳамкорлик” битими асосида мамлакатлараро маданий алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида республикада қатор дўстлик жамиятлари ташкил қилинди. Жумладан, 1998 йил давомида “Ўзбекистон – Франция”, “Ўзбекистон – Буюк Британия”, “Ўзбекистон – Германия”, “Ўзбекистон – Италия”, “Ўзбекистон – Польша”, “Ўзбекистон – Греция” дўстлик жамиятлари вужудга келди ва халқлар ўртасидаги кўп камровли маданий алоқаларни мустақамланишига ўзларининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқдалар³.

Шунингдек бобда, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида халқлар маданиятини бир бирига яқинлаштириш ва таништириш мақсадида ташкил этилган турли кўرғазмалар, кинофестиваллар, мусиқа санъати вакилларининг чиқишлари ва шу каби бошқа тадбирлар кўплаб мисоллар асосида таҳлил қилинган.

III. ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатилиши ва унинг ривожланиши жараёнларини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш жараёнида қўйидаги асосий **хулосалар**га келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатларни кенг миқёсдаги интеграциялашувини таҳлил қилган ҳолда республика ташқи сиёсий фаолияти стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг тамойиллари ва устувор йўналишларидан келиб чиқиб, кўплаб халқаро ташкилотлар билан яқин ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Шунга биноан, Европа Иттифоқи билан ишончли шериклик алоқаларини ўрнатиш ўзаро манфаатдорлик руҳида бўлиши белгилаб қўйилди.

3. Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллигини эълон қилган ва унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган илк кунларданок Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий пойдеворининг яратилиш жараёни бошланди. Шунга биноан, икки томон ўртасида асосий

¹ Германия ҳукуматининг беғараз ёрдами // Халқ сўзи. – 2002. – 24 июль.

² Матҳоликов К. Ўзбекистон Республикаси ва Франция ўртасидаги маданий алоқалар тарихи // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – Б.135.

³ МИД РУз // официальный сайт: Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-Польские отношения. Сотрудничество в культурно-гуманитарной сфере. <http://www.mfa.uz>.

хуқуқий ҳужжат – Шериклик ва ҳамкорлик битимини имзолаш ва амалиётга тадбиқ этиш имконияти юзага келди.

4. 1992 йил имзоланган ўзаро англашув Меморандуми Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга техник ва бошқа ёрдамлар бериш имкониятини берди. Бунда янги мустақил давлатлар ва Мўғулистонга техник ёрдам кўрсатиш учун 1991 йил имзоланган Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури муҳим роль ўйнади.

5. Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури лойиҳаларини амалга ошириш давомида Ўзбекистон Республикасида аҳамиятга молик кўплаб ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор қуйидаги йўналишларни, яъни давлат бошқарув тизими, ижтимоий хизмат ва таълим соҳаларидаги ислохотлар, давлат корхоналарини қайта ташкиллаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларни қамраб олди.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар муҳим роль ўйнадилар. Давлатлараро имзоланган битимлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилди. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги асосий ҳужжат – Шериклик ва ҳамкорлик битимига қўшимча хуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг юксак илмий-техник имкониятга эга эканлиги Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги кўплаб илмий марказлар билан самарали алоқалар олиб бориш имкониятини яратди. Бундан ташқари, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда таълим соҳасидаги алоқалар ўзининг кенг кўламлилиги билан аҳамият касб этади. Бундай алоқалар, халқаро андозаларга жавоб берадиган таълим тизимини ислоҳ қилаётган Ўзбекистон Республикаси учун ўзининг салмоқли натижасини берди.

8. Гуманитар соҳадаги халқаро ҳамкорликда халқларнинг маданий-маънавий қадриятлари билан таништириш ва алмашинув муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг кўп қиррали маданий алоқаларини йўлга қўйилиши, бир томондан маданий қадриятларни ўзаро бойитишга хизмат қилса, бошқа томондан Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамланишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Диссертация иши натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида тўғридан-тўғри савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиши;

– Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этиши учун Европа Иттифоқи мамлакатларининг улкан инвестицион имкониятларидан етарли равишда фойдаланиш;

– иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида турли соҳаларда халқаро кўرғазма ва ярмаркалар ташкил этиш;

– таълим ва илмий-техник соҳаларда малака ошириш ва тажриба орттириш мақсадида кадрлар алмашинуви ва амалиёт ўташни жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларида жойлашган ўрта махсус касб-хунар таълими масканларини техник янгилаш учун янги мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқиш.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада ривожлантиришга улкан имконият захираларига эга. Бу ҳозирги замонавий муносабатлар тизими шаклланишида томонларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Исматуллаев Ф. Халқаро интеграцион жараёнларда Ўзбекистон Республикасининг иштироки // Ўзбекистон XXI асрда: тараққиёт асослари ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 89-91.

2. Исматуллаев Ф. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги (ТАСИС дастури мисолида) // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2007. – Б.64-65.

3. Исматуллаев Ф. Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари (Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи мисолида) // Фалсафа ва Ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. Махсус сон. – Б.57-58.

4. Исматуллаев Ф. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.46-49.

5. Исматуллаев Ф. Франциядаги темурийлар ассоциацияси фаолияти ҳақида // Турон тарихи. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б.15-18.

6. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан иқтисодий ҳамкорлиги (Европа Иттифоқи мисолида) // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: ёндашувлар ва асосий йўналишлар. Республика илмий семинари материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.196-201.

7. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан маданий ҳамкорлиги (Германия мисолида) // ЎЗР ФА Хоразм Маъмур академияси, Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари. 3- тўплам. – Хива, 2009. – Б.23-27.

8. Исматуллаев Ф. Ҳамкорликнинг тарихий илдизлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б.87-88.

9. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги иштироки // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 166-174.

10. Исматуллаев Ф. Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда халқаро лойиҳаларнинг ўрни (Фарғона водийси мисолида) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Илмий-назарий конференция тезислари. – Фарғона, 2009. – Б. 392-396.

11. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б.47-49.

12. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг ТЕМПУС дастури доирасидаги ҳамкорлиги // Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон: янги Буюк ипак йўли бўйлаб сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2010.– Б. 46-51.

13. Исматуллаев Ф. Туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 57-59.

14. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан таълим соҳасидаги ҳамкорлиги // Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Гулистон, 2010. – Б.17-19.

15. Исматуллаев Ф. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги (Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик мисолида) // Республика ёш олимларининг иккинчи илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.249-252.

16. Исматуллаев Ф. Европа Иттифоқининг вужудга келиши ва ривожланиши // Халқаро муносабатлар янги тизимининг шаклланиши ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштироки. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 66-71.

17. Исматуллаев Ф. Иқтисодий ислохотлар ва халқаро лойиҳалар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б.124-126.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Исматуллаев Фарходжон Одилжоновичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991–2005 йиллар)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Ўзбекистон, жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар, халқаро муносабатлар, интеграция, Европа Иттифоқи, ТАСИС, Шериклик ва Ҳамкорлик шартномаси, ташқи сиёсат, халқаро лойиҳа, қўшма корхоналар, туризм, маданий-маърифий алоқалар, илмий алоқалар.

Тадқиқот объекти: 1991-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва амалга ошириш жараёнлари.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва ривожланишига оид масалаларни тарихий ёндашув асосида атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқот усуллари: тарихий-тадрижий таҳлил, холислик, тизимлилик, киёсий, мантиқий, статистик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари илк бор тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Амалий аҳамияти: диссертация маълумотлари ва унда илгари сурилган асосий назарий хулоса ва тавсиялар Ўзбекистоннинг мустақил давр тарихига оид монографик асарлар яратишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятига бағишланган махсус курслар ўқишда, дарслик ва ўқув-қўлланмалар яратишда хизмат қилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва турли даражаларда ўтказилган илмий-назарий конференция материалларида чоп этилган 12 та тезисларда ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятига алоқадор муассасаларнинг фаолиятини янада такомиллаштирда, илмий рисола, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Исматуллаева Фарходжона Одилжоновича на тему: «Становление и развитие сотрудничества Республики Узбекистан с Европейским Союзом (1991 – 2005 годы)» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 – История Узбекистана

Ключевые слова: Узбекистан, мировое сообщество, международные организации, международные отношения, интеграция, Европейский Союз, ТАСИС, Соглашение о Партнерстве и Сотрудничестве, внешняя политика, международный проект, совместные предприятия, туризм, культурно-духовные связи, научные связи.

Объект исследования: процесс установления и практической реализации взаимовыгодного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом в 1991-2005 годах.

Цель работы: всестороннее изучение и анализ с позиций историзма вопросов становления и развития отношений сотрудничества между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом.

Методы исследования: анализ в исторической последовательности, системный, сопоставительный, логический, статистические методы.

Полученные результаты и их новизна: в исследовании впервые с исторических позиций проанализированы отношения сотрудничества между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом.

Практическая значимость: материалы диссертации и выдвинутые в ней основные теоретические выводы и рекомендации, могут быть использованы при подготовке монографических трудов, посвященных истории периода независимости Узбекистана. Кроме того, можно широко использовать при чтении спецкурсов, посвященных вопросам внешней политики страны, а также подготовке учебников и учебных пособий в высших и средне-специальных учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основное содержание и результаты исследования нашли свое отражение в 5-ти научных статьях, изданных диссертантом, и в 12-ти тезисах, опубликованных в материалах научно-теоретических конференций.

Область применения: материалы исследования могут быть применены в процессе дальнейшего совершенствования функций ведомств Республики Узбекистан, непосредственно связанных с внешнеполитической деятельностью, а также в ходе подготовки научных трудов, учебников и учебных пособий.

RESUME

Thesis of Farkhodjon Odilovich Ismatullaev on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in history on speciality 07.00.01 – History of Uzbekistan on the subject: “Formation and development of cooperation between Uzbekistan and the European Union (1991–2005)”

Key words: Uzbekistan, the international community, international organizations, international relations, integration, European Union, TACIS, the Agreement about Partnership and Cooperation, foreign policy, the International Project References, joint ventures, tourism, cultural and spiritual relations and scientific communications.

Subjects of research: the process of establishing and implementation of mutually beneficial cooperation between Uzbekistan and the European Union respectively in 1991-2005.

Purpose of work: broad investigation and analysis of issues in terms of historical method of formation and development of cooperation between Uzbekistan and the European Union.

Methods of research: analysis of historical sequence, systematic, comparative, logical and statistical methods.

The results achieved and their novelty: in the study the relations of cooperation between Uzbekistan and the European Union were firstly analyzed with historical position.

Practical value: the proceedings of the thesis and also the main theoretical conclusions and recommendations can be applied in preparing monographs about the history of independence of Uzbekistan. Moreover, it can be extensively used in specialized courses for determining the issues of foreign policy, preparation of textbooks and teaching materials in higher and secondary special educational institutions as well.

Degree of embed and economic effectivity: the main content and findings are placed in 5 scientific articles which were published by researcher and 12 abstracts published in the proceedings of scientific-theoretical conferences.

Field of application: the research materials can be used in the process of further improving the departments' functions of the Republic of Uzbekistan that directly relates to the foreign policy activities, also in the preparation of scientific papers, subjects and teaching textbooks as well.